

Ўзбекистон Республикаси
Адвокатлар палатаси нашри

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Шухрат САДИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси

Сергей ИРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисининг биринчи ўринбосари

Аслиддин МАХАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисининг ўринбосари

Валишер ДАВЛЯТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти директори ўринбосари, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Баҳром САЛОМОВ,
юридик фанлар доктори, адвокат (Таҳрир ҳайъати раҳбари)

Илёс ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Бахрам АРЗИМБЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Адилжон ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Зебинисо МУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Аҳмад ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Руслан АННАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Тоҳир ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Олим СУЮНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Алим ЭРНАЗАРОВ
«BONA-FIDES» адвокатлик фирмаси адвокати

Сафар ПАРДАЕВ,
«Sanctalex» адвокатлик фирмаси адвокати

Абдумалик АБДУЛЛАЕВ,
«Justice Chamber» адвокатлик фирмаси адвокати

ТАҲРИРИЯТ:

Ойбек МЎМИНОВ,
Бош муҳаррир

Азамат ЖУМАНИЯЗОВ,
саҳифаловчи-дизайнер

Журнал 1999 йил январь ойидан чиқа бошлаган. 2020 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0295-сонли гувоҳнома билан қайта рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100142, Буюк Ипак йўли, 471-уй.
Тел./факс: +(99871) 230-25-51, моб.: +(99890) 326-38-04.
Web-site: www.advokatnews.uz. Telegram: Advokatnews.uz
E-mail: info@advokatnews.uz, advokatmedia@mail.ru
Telegram bot: @advokatnews_bot
Журналдаги мақолалардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганда «Advokat» журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
® белгиси остида берилган мақолалар тижорат мақолалари ҳисобланади.
Журнал «Advokat media» МЧЖ компьютер марказида тайёрланди. Босишга 07.05.2026 йилда рухсат этилди.
Адади: 3600 нусха. Буюртма № 36. Обуна индекси – 1207.
Баҳоси келишилган нархда.
«XXI ASR MEDIYA-NASHRIYOT-MATBAA UYI» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: 100080, Тошкент шаҳри Миробод тумани Мунис кўчаси,50-А уй.

МУНДАРИЖА

ДИЛДАГИ ГАПЛАР
Ш.Ғофурова: "Жабрланувчи вакили бўлсам, ўзимни прокурорга шерикдек ҳис қиламан" 2

ИЛМИЙ НАЗАР
М.Саламова
Адвокатура институтининг ижтимоий-ҳуқуқий вазифаси ва мазмуни ... 7

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ
Ф.Бабажанов
Иқтисодий судларда давлат божларини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари 12

СУД ИСЛОҲОТИ
Ф.Отахонов
Одил судловнинг рақамли трансформацияси жараёнида судьяликка номзодларни тайёрлашнинг замонавий талаблари 18

ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ
Г.Бобожонова
"Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонун Ўзбекистонда халқаро савдо низоларини ҳал қилишнинг замонавий ҳуқуқий асоси 21

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК
Ли Жингю
Трансчегаравий тижорат низоларини ижро этишнинг ҳозирги ҳолати ва реал қийинчиликлари 24

КАЗУС
Конституциявий суд қарори ижро қилинмаса нима бўлади? 28

КОНФЕРЕНЦИЯ
Город Санья – снова центр адвокатских дискуссий 32

ОПЫТ
Б.Саломов
Некоторые вопросы участия защитника на предварительном следствии 35

ТОЧКА ЗРЕНИЯ
Д.Базарова
Процессуальные гарантии прав лица в уголовном процессе 40

МНЕНИЕ
Ш.Рузиев
Адвокат – лучший помощник председательствующего судебного заседания 46

АНАЛИЗ
Б.Кудайбергенов
Преимущества и недостатки проведения медиации в международных торговых спорах 49

АДВОКАТУРА ЗА РУБЕЖОМ
Ж.Сотиболдиев
Почему это работает? Узбекский адвокат о секретах американской судебной системы 55

ДИСЦИПЛИНАРНАЯ ПРАКТИКА
Довод бывшего адвоката о том, что другая палата отказала в возбуждении дисциплинарного производства по той же жалобе доверителя, не позволил ему вернуть адвокатский статус 63

«Advokat» журнали 2017 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг Диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Марғилонлик Шаҳодат Ғофурованинг бутун онгли ҳаёти адвокатурада кечган – опанинг бу касбда илк қадамини қўйганига ҳадемай 46 йил тўлади. Шунингдек, Шаҳодат опа 17 йилдан бери Фарғона шаҳридаги “Ҳимоядасиз” адвокатлар ҳайъатини бошқариб келмоқда. Кўп йиллик муносиб хизматлари, ҳамжамият ичидаги бенуқсон репутацияси туфайли, опа яқинда “Касбий маҳорати учун Якубов Санжар Ахмеджанович номидаги мукофот” номинациясида “Йил адвокати” деб эътироф этилди.

“ЖАБРЛАНУВЧИ ВАКИЛИ БЎЛСАМ, ЎЗИМНИ ПРОКУРОРГА ШЕРИКДЕК ҲИС ҚИЛАМАН”

Шаҳодат опа, аввал соҳага қандай кириб келганингиз ҳақида гапириб берсангиз. Қачон бу касбни танлагансиз, танловингизга ким ёки нима таъсир ўтказган? Адвокатликда қўйган илк қадамларингизни, устозларингизни эсга олсак?



Болалигимдан юрист бўлишни орзу қилардим. Оиламизда, таниш-билишлар орасида бу соҳа вакиллари йўқ эдики, кимгадир ҳавас қилган бўлсам. Балки худо кўнглимга солгандир, ишқилиб, ақлимни таниганимдан бошлаб юрист бўлиш фикри хаёлимга маҳкам ўрнашган эди. Бешинчи синфда (1970 йил) бўлажак касбим ҳақидаги тасаввуримни илк дафъа қоғозга туширдим. “Мен юрист бўлмоқчиман” сарлавҳали мен ёзган ўша иншони ўқитувчимиз жуда мақтаган ва намунали ижодий ишлар тахтасига осиб қўйган эди.

1975 йилда Марғилон шаҳридаги 24-сонли мактабни “олтин медал”га битириб, ТошДУ юридик факультетига кирдим. 1980 йилда университетни имтиёзли диплом билан ту-

гатдим. Ўқиш давомида юридик соҳага мансуб ҳамма касблар билан яқиндан танишгач, ўзим учун энг маъқули адвокатлик эканига ишонч ҳосил қилдим ва университетни тугатаётганимда тақсимот комиссиясига ариза бериб, адвокатурага йўлланма олдим. Мени Фарғона области адвокатлар коллегияси қошидаги Фарғона шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасига ишга жўнатишди.

Ҳуқуқий маслаҳатхонада Ли Нелла Семёновна исмли ёши катта адвокат опага шогирд қилиб бириктириб қўйишди. Мажбурий стажировка бор эди 6 ойлик, лекин менга 3 ой ўтгач "сен тайёр бўлдинг" дейишди ва коллегия раёсатининг рухсати билан адвокат бўлиб иш бошладим. Сентябр ойида, насиб этса, роппа-роса 46 йил бўлади… Айтиш мумкинки, бутун онгли ҳаётим адвокатурада кечди.

2009 йил коллегия негизида "Ҳимоядасиз" адвокатлар ҳайъати ташкил қилинди, ўшандан бери шу ҳайъатни бошқариб келяпман.

Ҳуқуқий маслаҳатхонада иш тартиби, адвокатларнинг ўша пайтдаги мақоми, шарт-шароит, муҳит, судларнинг иш юритуви қанақа эди?

У пайтлар адвокатура тизими анча содда эди: ҳар бир вилоятда коллегия ва унинг таркибида ҳуқуқий маслаҳатхоналар фаолият олиб борарди. Яъни маслаҳатхона ягона адвокатлик тузилмаси шакли бўлиб, ҳар бир шаҳар ёки туманда биттадан очилган. Адвокатлар сони анча кам эди. Масалан, бутун бошли Фарғона шаҳрида атиги 15 киши ишлаганмиз. Мен билан баравар Сисоева Света деган қиз Томск университетини битириб келди – ёшлардан шу иккимиз, қолганлар эса пенсияга чиққан судья ва терговчилар эди. Аксари – руслар ва русийзабонлар. Чунки Фарғона шаҳрида рус миллатига мансуб аҳоли кўпроқ эди.

Иш тартиби ва қонун-қоидаларга келсак, ҳозиргидан фарқли жиҳатлари бор эди, масалан, гонорар миқдори қатъий белгилаб қўйилган эди: 42 сўм. Иш ҳажмидан қатъий назар! Шу пулга битта жиноят ёки фуқаролик иши бўйича тўлиқ юридик ёрдам кўрсатиларди. Шартномани мижозлар билан шахсан маслаҳатхона мудири Василий Карпов имзолар ва сўнгра ишни бизга тақсимлаб берарди. Ортиқча бир тийин ололмасдик, Раиса опа деган адвокатимиз 70 тийин "обсчёт" учун ҳайдалишига сал қолгани ёдимда… Ой охирида ҳар бир адвокат бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тайёрлаб, коллегия бухгалтерига топширар ва шунга кўра маош оларди.

Эски тузумнинг қусурлари кўп эди, аммо ютуқларини ҳам тан олмасак инсофдан бўлмайди. Хусусан, кадрлар соҳасида. Судьялар, прокурорлар ниҳоятда масъулиятли эди. Ҳозирги даражада бўлмаса-да, судлар адвокатга қулоқ соларди, ҳарқалай. Ўз ишимдан қониқмаган ҳолатларим камдан-кам бўлган…

Лекин судда ишга асосан айблов назари билан қаралган, оқлов ҳукмлари чиқарилмаган-ку, шу ҳолда қандай "қониқиб" ишлаш мумкин?

Бу фикр тўғри эмас. Ҳа, суд оқлов қилмасди, чунки тартиб шунақа эди: оқлов ўрнига жиноят иши терговга қайтарилар ва тугатиларди. Аммо, рост, кам учрарди бунақаси. Бошқа тарафдан, асослар мавжуд бўлганда жиноят ишининг қайта малакаланиб, енгилроқ жазо тайинланиши ҳолатлари асло янгилик эмасди судлар учун. Мен "қониқиш" деганда шунақа натижа билан тугаган ишларни кўзда тутгандим.

Оқлов йўқ эди дейсиз, лекин агар суд фаолиятини фақат шу билан ўлчайдиган бўлсак, мустақиллик даврига келиб ҳам анчага довур ўзгармади-ку аҳвол, судьялар оқлов ҳукми чиқаришни яқинда "ўрганишди-ку"?

2005 йилда бир божхона ходими ЖК 205, 208, 209-моддалари билан айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳар тугул амнистия акти қўлланилиб очиқда қолди. Жиноят таркиби йўқ эди, лекин, ҳарчанд уринмайлик ҳукмни ўзгартиролмадик. Барча инстанцияларда олишдик, мен бу ишнинг орқасидан қувиб юрганимда Олий суд раиси неча марта алмашди. 2025 йилда ниҳоят бу инсон оқланди. Орадан 20 йил ўтиб! Хизматга тикланиб, 3 ойгина ишладию пенсияга чиқди…

Демоқчи бўлганим, тузум ўзгаргани билан тафаккур ўзгармаса бекор экан. Президентимизнинг сиёсий иродаси билан бош-

ланган ислоҳотлар суд-ҳуқуқ соҳасига ҳам етиб бориб, тафаккур янгиланмаганида ўша аҳвол, балки, бугун давом этаётган бўларди...

Биринчи ютуғингизни эслайсизми?

Албатта. Нина Ездина деган рус аёлини ҳимоя қилгандим, 2-гуруҳ ногирони эди. Унга 88-модда (ҳозирги Жиноят кодексининг 104-моддасига тўғри келади) билан айблов эълон қилинган. Мен жиноят кучли руҳий ҳаяжон ҳолатида содир этилганини исботлаб берганимдан сўнг суд ишни қайта малакалаб, 89-модда (ҳозирги 106)га ўтказган.

Аҳолининг этник таркиби ва ижтимоий тузум нуқтаи назаридан, амалиётда қанақа турдаги жиноят ишлари кўпроқ кузатиларди?

Фарғона шаҳрида рус миллатига мансуб аҳоли орасида ўғрилик жинояти кўп учрарди, мастлик ҳолатида содир этиладиган жиноятлар бўларди аксари. "Харидор ёки буюртмачиларни алдаш", яъни аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларни бажарганлик учун фуқаролардан ғайриқонуний тарзда ҳақ олиш (обсчёт) деган 177-модда бўларди, арзимаган 1-2 тийин учун қанчадан-қанча сотувчилар, қассоблар шу модда билан жавобгарликка тортилган, ҳатто қамалиб кетган. Бугунги кунда оддий тадбиркорлик ҳисобланадиган фаолият у пайтлар "чайқовчилик" деб ЖК 175-моддаси ҳамда "якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг тақиқланган турлари билан шуғулланиш" деган 179-модда билан ростакам жиноят саналган: дўкондорлар, шойи-атлас тўқувчи косибларни шу билан айблаб, суд қилишарди. Тиланчи дайдилар учун "дарбадарлик" деган модда бўларди, планлар бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларнинг ошириб ёзилиши ва бошқа хилдаги бузиб кўрсатишлар давлатга қарши ҳаракат сифатида жиноят деб баҳоланган. Жиноятлар социалистик тузумнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий табиатидан келиб чиқиб ана шунақа тасниф қилинганди.

Адвокатлар дастлабки тергов ва судда тайинлов асосида ҳам иштирок этишган. Бундай ҳолларда ҳуқуқий маслаҳат идорасининг мудири ёки адвокатлар ҳайъатининг раёсати, шунингдек ишни юритаётган суриштирув ёки дастлабки тергов идораси, прокурор ва суд гумон этилаётган шахсни, айбланувчини, судланувчини ҳуқуқий ёрдам ҳақини тўлашдан бутунлай ёки қисман озод қилишга ҳақли бўлган. Ҳуқуқий маслаҳат идораси мудири ёки адвокатлар ҳайъатининг раёсати ҳақ тўлашдан озод қилишга йўл қўйган тақдирда ҳимоячининг меҳнатига адвокатлар ҳайъати маблағлари ҳисобидан, бошқа ҳолларда эса давлат ҳисобидан ҳақ тўланган. Дарвоқе, адвокатга давлат ҳисобидан тўланган ҳақ кейинчалик маҳкумдан регресс тартибида ундирилган.

Юқорида сиз санаб ўтган моддалар, адашмасам, мустақиллик эълон қилинишидан олдинроқ амалда қўлланилмай қўйган эди. 1994 йил сентябрда Ўзбекистон бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлатга хос янги кодексини қабул қилди. Аммо адвокатура узоқ вақт ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ғалати: биринчи қонун 1996 йил охирида чиқди, ҳамжамиятнинг институционал тарқоқлиги эса аср охирига қадар давом этди... Ўша даврлар нимаси билан ёдингизда қолган?

Тарқоқлик дедингиз-ку, бу сўз айни ўша давр таърифига жуда мос тушади. Ҳар бир вилоят адвокатураси ўз ҳаёти билан яшарди, гўё. Ўз вилоятимиз доирасида бир-биримизни танирдик, нари-борса яқин вилоятлардаги айрим ҳамкасбларимизни. Аммо республика миқёсида тарқоқ эдик, адвокатларни бирлаштирадиган бирон тадбир, ҳаракат бўлмасди. 1999 йилда ассоциация тузиш ташаббуси адвокатларни анча жонлантирди, ижтимоий фаол бўлишга ундади. Адвокатлар балки илк дафъа бирлашишнинг аҳамиятини англаган эдилар. Ана шу уйғониш самараси ўлароқ ассоциация дунёга келиб, бутун республика адвокатлари ягона ташкилотга бирлашдик ва бирлашувнинг амалий, касбий ривожланиш учун зарур фойдаларини тез орада ҳар биримиз ҳис қила бошладик.

Опа, куни кеча Адвокатлар палатасининг "Йил адвокати" республика танловида асосий мукофотлардан бирини қўлга киритдингиз. Айтинг-чи, танловда қатнашиш ташаббуси ўзингиздан чиқдими ёки ҳудудий бошқарма таклиф қилдими?

Танловда қатнашиш хаёлимда йўқ эди, очиғи. Бошқарма бошлиғи Умиджон (Бўтабоев) танловнинг “Касбий маҳорати учун Якубов Санжар Ахмеджанович номидаги мукофот” номинациясига вилоятдан мени номзод қилиб кўрсатмоқчи эканини айтди. Хўп, дедим, мендан нима кетди, ютмаганимда ҳам баҳонада, балки Тошкентни айланиб келарман, деб ўйлагандим. Қарангки, шу мукофотга мени лойиқ топишибди. Эътироф учун катта раҳмат. Бошим кўкка етди, лекин, рости, кутмагандим сира.

Бошқарманинг сизга берган тавсияномасини ўқидим. Унда айтилишича, ишонч билдирувчиларингиз сизнинг устингиздан малака комиссиясига бирон марта ҳам шикоят қилишмаган экан. Бу менга жуда қизиқ туюлди. Ҳеч бир ишонч билдирувчини норози қилмасдан 46 йил қандай ишлаш мумкин? Сиригиз нимада?

Қанақа сир бўлсин! Бунақа адвокат ёлғиз мен эмасман. Обрўйига гард қўндирмай, ҳалол, виждонан ишлаб келаётган ҳамкасбларим сероб. Адвокатликнинг қонун-қоидалари, тартиб-таомилларига қатъий амал қилиш керак, вассалом. Келган фуқаро билан обдон суҳбатлашиб, ишни майда икир-чикиригача суриштираман, сўнгра ҳамма “карталар”ни очаман: мана бу ҳолатлар сизнинг фойдангизга, булар сизга қарши, аммо баҳо бериш суднинг ваколати – эътиборга олиши ҳам мумкин, олмаслиги ҳам. Мен, албатта, қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан, лекин қарорни суд чиқаради, шартнома тузадиган бўлсак, шуни ҳисобга олинг, дейман… Худога шукр, мана шу принцип билан ишлаб, доим ишонч билдирувчиларимни рози қилиб келяпман.

Аммо беш қўл баравар эмас-да. Рози бўлиб, шартномага қўл қўйган одам, эртага суд унга қарши қарор чиқарганидан кейин “айниб” қолиши ҳам мумкин-ку? Шундай адвокатлар бор: шартнома бўйича бурчини виждонан бажаради, лекин судда ютқазса ёки натижа кутилганидан пастроқ бўлсаю мижознинг авзойи ўзгариб, “олган пулингга яраша ишламадинг” дегандай таъна қиладиган бўлса, шартта тўловни қайтариб беради. Ишонч билдирувчи палатага шикоят қилишидан эмас, балки у ҳақида эл орасида ножўя гап чиқаришидан сақланишади. Сизда-чи, бўлмаганми шунақа ҳолатлар?

Шаъни, шарафини ардоқлайдиган шунақа адвокатлар борлигидан фахрлансак арзийди. Касб обрўйини бу қадар асраб-авайлаш иймон бутунлиги белгиси. Бироқ, назаримда, бу ишни мутлақо тўғри деб ҳам бўлмайди. Биринчидан, ишонч билдирувчи норози бўладими-йўқми, бурчингизни виждонан ўтаган бўлсангиз – ҳаққингиз ҳалол. Иккинчидан, адвокатнинг бунақа тантилиги айрим одамларни суиистеъмолчиликка ўргатиб қўйиши мумкин-ку, ахир! Яъни, дейлик, адвокат 100 фоиз эмас, 70-80 фоизлик натижага эришган тақдирда ҳам, ишонч билдирувчи адвокат унинг “норозилиги”дан қўрқишидан фойдаланиб, гонорарни қайтаришни талаб қилмайди деб ким кафолат беради?

Йўқ, инсон ўз меҳнатини қадрлашни ҳам билиши керак. Ҳар бир хизматнинг ҳақи тўланиши лозим.

Шунча йил давомида давлат идораларидан ишга таклиф қилишмадими? Ҳуқуқ соҳасида касб ва ихтисосликлар бисёр. Ёки ўзингиз адвокатликда танаффус қилиб, бошқа бирон юридик касбда ҳам омадингизни синаб кўришга уринмадингизми ҳеч?

Икки марта судьяликка таклиф қилишган. Биринчи мартасида ҳали совет замони эди. Ўтишга раъйим бўлган, тўғриси, бир муддат ишласам, яхши тажриба бўлади, кейин яна адвокатликни давом эттираверараман, деб ўйлагандим. Лекин рад қилишга тўғри келди. Раҳматли турмуш ўртоғимга маслаҳат солгандим, хушламадилар. Ўзлари прокуратурада ишлаганлари сабабли, “қандоқ бўларкин” деган мулоҳазага бордилар, шекилли. Мен ҳам қаттиқ туриб олмадим.

Иккинчи сафар имконият бўлганида эса ўзим рад этдим. Бу пайтда адвокатликда томир отиб бўлган, бутун меҳр ва ғайратимни бериб ишлаётгандим. Кўзим қиймади. Суд музокараларида ҳиссиёт билан, қизғин нутқ

сўзлашни ёқтираман, судьялик мақоми эса шу томонлама одамни чеклаб қўяди...

Шундай адвокатларни биламан, улар судда ҳиссиёт билан нутқ сўзлаш шарт эмас, ўз позициянгни қонуний асослаб берсанг бўлди, суд барибир фактларга, далилларга таяниб қарор қабул қилади, деб ҳисоблашади. Сизнинг фикрингиз қандай?

Нотиқлик маҳорати адвокат учун жуда зарур фазилат. Машҳур адвокатларнинг барчаси ўткир нотиқлар бўлишган. Масалан, Плевако, Кониларни эслайлик. Уларнинг суддаги айрим чиқишлари юксак даражадаги нотиқлик намунаси сифатда юридик олийгоҳларда ўқитилади. Нотиқлик бу таъсирчан сўзлаш, ҳар бир сўзни танлаб, чертиб-чертиб ва ўз ўрнида, интонацияларга риоя қилган ҳолда айтиш, товуш пардаларини қачон кўтариб қачон пасайтиришни билиш дегани. Адвокат яхши нотиқ бўлса, судьянинг хаёли суд залидан ташқарига чиқмайди.

Ҳиссиётга келсак, унинг фойдаси тегадиган жойи бор, яъни муайян вазиятга боғлиқ. Хусусан, судланувчининг оилавий, моддий аҳволига, руҳий ҳолатига урғу берганда эмоция билан гапирсангиз суд албатта эътибор беради. Энди мустақил иш бошлаган кезларим ўғирлик қилиб қўйган ўсмирни ҳимоя қилиб судда нутқ сўзлаётганимда унинг етимлиги, ўгай она қўлида қолгани ва ҳаёт зарбалари оқибатида тарбияси салбий тарафга ўзгаргани ҳақида гапира туриб йиғлаб юборгандим. Ҳар ҳолда суд мен келтирган ҳолатларни инобатга олиб, қамоқ жазосини қўлламаган...

Биринчи устозим Нелла Семёновна нутқларини жуда пишиқ қилар, айтмоқчи бўлган ҳамма гапини эринмай ёзиб олар, лекин судда деярли қоғозга қарамай сўзларди. Мен унинг досьеларини ўрганиб адвокат бўлганман.

Адвокатлик фаолиятингизда яна қанақа қоида ва принципларни маҳкам тутасиз?

Жиноят ишларида жабрланувчи вакили бўлиб қатнашмайман. Гоҳида, нозик одамлар илтимос қилса, қатнашишим мумкин. Лекин ўз хоҳишим билан олмайман бунақа ишларни.

Нега? Ҳимоядан кўра анча қулай иш-ку бу? Прокурор сиз тараф бўлиб туради, натижа қилиш осон...

Гап ишнинг оғир ёки енгиллигида эмас. Прокурор жабрланувчи тараф бўлади-ку, деяпсиз. Йўқ, у айблов тарафда бўлади ва шу нуқтаи назардан жабрланувчи позициясини қўллаб-қувватлайди. Лекин, негадир, жабрланувчи вакили бўлиб қатнашганимда прокурор билан бир тарафда туриш менга ғалати туюлади. Ўзимни нафақат қонуний, балки ортиқча ва асоссиз қўйилган айбларни ҳам билвосита маъқуллаётгандек ҳис қиламан ва бу менга ёқмайди.

Фарзандлар нечта, опа? Ота-она изидан кетганлари борми?

Уч ўғлим, икки қизим бор, ҳаммалари оилали. Набираларим сони 14 га етди. Болаларимдан ҳеч бири ҳуқуқ соҳасига қизиқмади. Тўғри, дадаси раҳматли истамасдилар улардан биронтаси юрист бўлишини, лекин, агар ўзларида интилиш бўлганида монелик қилмасдилар деб ўйлайман. Энди умидим – набиралардан. Улар ҳали жуда ёш, энг каттаси 9-синфда ўқияпти. Лоақал битталаринг қизиқинглар, одамлар “ана, Шаҳодат опанинг юрист невараси” десин, дея тарғиб қилиб тураман. Кўрамиз, насиб...

Бўш вақтингизни нима билан ўтказасиз?

Китоб ўқишни яхши кўраман, айниқса детектив асарларни. Севимли ёзувчиларим – Артур Конан Дойл. Унинг ва Агата Кристининг бутун ижодини ўқиб чиққанман десам бўлади. Ўзимизнинг адиблардан Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Маликни севиб мутолаа қиламан.

Яна бир севимли машғулотим – зироатчилик. 20 сотихли кенг ҳовлида уч ўғил ва уч келин билан тураман, иморатлардан ортган каттагина еримиз бор. Ишдан қўл бўшаган вақтларимни экин-тикин парваришига бағишлайман. Келинлар, неваралар ёрдам қилишади.

Ойбек МЎМИНОВ
суҳбатлашди.

Адвокатлар касбий тайёргарлиги жамият ва давлат ҳаётида адвокатура институтининг зиммасига юкланган ижтимоий-ҳуқуқий вазифалар билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, адвокатнинг касбий тайёргарлик даражаси юридик ёрдам кўрсатиш сифатини белгилаб беради. Шу боис, касбий тайёргарликни ташкил этиш ва таъминлашда адвокатуранинг мақсад ва вазифалари билан боғлиқ илмий-назарий ва амалий масалалар долзарб аҳамият касб этади.

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВАЗИФАСИ ВА МАЗМУНИ

Адвокатура институтининг ижтимоий-ҳуқуқий вазифасига оид масалалар юзасидан илмий ҳамжамият вакиллари ўртасида турли қарашлар мавжуд. Адвокатуранинг ривожланиши қайси йўлдан боради, давлат ва жамият томонидан юкланган вазифаларни самарали бажаришга қодир мустақил ва кучли тузилмага айлана оладими-йўқми, деган саволлар жавоби устида ягона ёндашув мавжуд эмас.

Хусусан, Х.Хайитов “адвокатура институтининг асосий вазифаси одил судловни ташкил этиш”[1], деган фикрни илгари суради. Шунга ўхшаш, фақат кенгроқ ёндашув А.Г.Кучерена[2] томонидан ҳам қайд этилган. Унинг фикрига кўра, адвокатуранинг зиммасига юклатилган вазифалар давлат аҳамиятига эга бўлиб, жамият манфаатларини акс эттиради. Конституциявий, жиноий, маъмурий ва фуқаролик процессларида фуқароларнинг манфаатларини ифодалаш нафақат бир шахснинг манфаатларини, балки тортишув тамойилини таъминлашга, иш бўйича суд ишларини юритиш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

В.Давлятов эса, юқоридаги олимларнинг ёндашувларидан фарқли қарашни илгари сурган[3]. У адвокатура хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси эканлигини, ушбу хусусиятлар унинг функциялари ва вазифалари билан изоҳланишини таъкидлайди. Адвокатура, биринчидан, ҳар бир шахснинг ҳуқуқларини таъминласа, иккинчидан, тайинлов асосидаги ишларда иштирок этиш бўйича процессуал мажбурияти мавжуд. Худди шунга ўхшаш фикрлар Ш.Исмаилов томонидан ҳам илгари сурилган[4].

---

[1] Хайитов Х.С. Адвокат фаолиятида юридик лингвистиканинг аҳамияти. Адвокатура институтини ислоҳ этишнинг айрим йўналишлари: давра суҳбати материаллари тўплами, 2009 й. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. Б. 23.

[2] Кучерена А.Г. Роль адвокатуры в становлении гражданского общества в России: Монография. – М.:, 2002. – С. 58.

[3] Давлятов В. Адвокатура институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Дис. Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун. Тошкент, 2024 йил. – Б. 26.

[4] Ш.Исмаилов. Ҳуқуқий давлатни барпо этишда адвокатура институти мақомини ошириш муаммолари. Т.: 2025 й. юр.фан.б. фал.доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Б. 12.

Б.Саломовнинг бу борадаги ёндашуви эса юқоридаги олимларникидан бирмунча кенгроқ. Унинг фикрича, адвокатура институтининг вазифаси қуйидагилар ҳисобланади: 1) одил судловни амалга оширишда ҳақиқатни аниқлашга ёрдам бериш; 2) шахсга нисбатан эҳтимолий суиистеъмоллик ҳолатларининг олдини олиш; 3) айбдор шахснинг ҳаракатини тўғри ҳуқуқий малакалаш ва қилмишига мутаносиб бўлган адолатли жазо тайинланишига кўмаклашиш; 4) жамият аъзоларининг ҳуқуқий онгини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиш[5].

Юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, тадқиқотимиз давомида миллий ва хорижий олимларнинг қарашлари ва ёндашувларини таҳлил қилиш асосида адвокатуранинг ижтимоий-ҳуқуқий вазифаларига оид қуйидаги илмий назарияларни таснифлашимиз мумкин.

1. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш назарияси. Унинг моҳиятига кўра, адвокатуранинг асосий ижтимоий-ҳуқуқий вазифаси – давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ёки бошқа шахсларнинг ноқонуний қилмишларидан шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ушбу назария тарафдорлари бўлмиш С.С.Алексеев[6] ҳамда В.М.Савицкий[7] адвокатни "фуқаро билан давлат ўртасида воситачи бўлиб, ҳуқуқ устуворлиги ва одил судловга эришиш имкониятини таъминловчи муҳим восита", деб ҳисоблашади. Бунда адвокатура институтининг ижтимоий вазифаси сифатида шахс ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш, фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кўрсатиш мумкин.

2. Юридик-давлат (институционал) назарияси. Унинг мазмуни шундаки, адвокатура институтига давлат ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида қаралади ва у адолатни таъминлаш механизмларида муайян функцияларни бажаради. Мазкур ёндашув тарафдорларидан Е.В.Васьковский[8]нинг принципиал ғоясига кўра, адвокатура одил судловда адолатни ҳамда айблов ва ҳимоя ўртасидаги мувозанатни таъминлайди. Адвокатуранинг ижтимоий вазифаси эса суд жараёнида адолатлиликни, тарафлар тенглигини ҳамда қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдан иборатдир.

3. Ижтимоий-сервис назарияси. Унинг моҳиятида "адвокатура институти давлатнинг муҳим функцияларидан бири бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш имконини берувчи ижтимоий хизмат туридир" деган ғоя ётади.

Ушбу фикрни илгари сурувчи олим О.Е.Кутафин[9] фикрича, адвокатуранинг ижтимоий-сервис назарияси ғояси адвокатура фақат ҳуқуқий ҳимоя институти эмас, балки аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш ҳамда ҳуқуқни таъминлаш имконини яратиш орқали ижтимоий хизмат кўрсатиш механизмини амалга оширади.

4. Ижтимоий-коммуникатив назария. Ушбу ёндашувга асосан, адвокатура шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ижтимоий воситачи сифатида фаолият юритади. Унинг намоёндалари бўлмиш ҳуқуқшунос-социологлар А.В.Воробьев, А.А.Поляков, Ю.В.Тихонравовларнинг асарларида адвокат ҳуқуқий коммуникацияни таъминлаши, фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини ўргатиши ҳамда мураккаб ҳуқуқий масалаларни содда тилда тушунтириши таъкидланади. Ушбу назариянинг моҳиятида адвокатуранинг ижтимоий вазифаси жамиятда ҳуқуқни тушунтириш ва шу орқали унинг ҳуқуқий саводхонлигини шакллантиришдан иборатлиги англашилади[10].

---

[5] Б.Саломов. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти, унинг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси (тажриба ва муаммолар): Автореф.дис. ... юридик фанлар доктори. – Тошкент, 2005. – Б. 18.

[6] Алексеев С.С. Восхождение к праву. Поиски и решения. – М.: Норма, 2001.-С. 665-666.

[7] Ларин А. М., Мельникова Э. Б., Савицкий В. М. Уголовный процесс России. Лекции, очерки/ Под ред. проф. В. М. Савицкого. – М.: Издательство БЕК, 1997.

[8] Васьковский Е.В. Организация адвокатуры. В двух томах. Том 1. – г.Санкт-Петербург, типография П.П.Сойкина, 1893 г.

[9] Кутафин О.Е. Предмет конституционного права. – М.: Юрист, 2001 г. – С. 26.

[10] Воробьев А.В., Поляков А.А., Тихонравов Ю.В. Теория адвокатуры. – М.: Грантъ, 2002. – С. 278.

5. Норматив қадрият назарияси. Ушбу концепция моҳиятига кўра, адвокатура – ҳуқуқий қадриятларни (адолат, эркинлик, тенглик, ахлоқ ва ҳ.к) рўёбга чиқарувчи институт ҳисобланади. Ушбу концепция тарафдорларининг (С.С.Алексеев[11], В.В. Лазарев) фикрича, адвокатура институтининг ижтимоий вазифаси шахс ва давлат ўртасидаги мувозанатни сақлаш, жамиятнинг суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ахлоқий қадриятларга содиқликдан иборатдир.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, айнан малакали юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси адвокатура институти вазифасининг мазмун-моҳиятини белгилайди.

Айни пайтда, юридик ёрдам олиш тушунчаси ҳам аниқ белгиланган бўлиб, у "оддий" эмас, балки айнан "малакали" юридик ёрдамни назарда тутади. Бу борада А.Матмуродовнинг малакали юридик ёрдам олиш нафақат Конституциямизда, балки халқаро умумэътироф этилган ҳужжатларда мустаҳкамланган асосий кафолатлардан бири ҳисобланишига оид фикрига[12] тўлиқ қўшиламиз.

Хусусан, БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича Саккизинчи конгрессида (Гавана, Куба, 1990 йил 27 август – 7 сентябрь) қабул қилинган "Адвокатларнинг роли тўғрисидаги асосий қоидалар"да адвокатларнинг касбий бирлашмалари ўз аъзоларининг касбий стандартлари ва этика қоидаларини таъминлашда ҳаётий муҳим рол ўйнаши, ўз аъзоларини таъқиблар ҳамда асоссиз чекловлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиши, одил судлов ҳамда жамият манфаатларига эришиш учун давлат ва бошқа институтлар билан ҳамкорлик қилиши белгиланган[13].

Худди шунга ўхшаш қоидалар 1945 йил 26 июнда қабул қилинган БМТ Низоми[14], 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси[15], 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда[16] ҳам назарда тутилган.

Адвокатура институтига турли адабиётларда турлича таъриф берилади. Хусусан, қомусий адабиётларда у "адвокатларнинг уюшган кўнгилли жамоат ташкилоти"[17] деб, изоҳли луғатларда эса "биринчидан, адвокатлар ташкилоти, иккинчидан адвокатлик фаолияти" деб таърифланади[18]. Юридик энциклопедик луғатларда "адвокатура" лотин тилидаги "advoco" – "таклиф этаман" сўзидан келиб чиққани[19], бошқа манбаларда лотинча "advocatus" сўзидан олинган бўлиб, "судда иш юритувчи", "ҳимояни амалга оширувчи" каби маъноларни англатиши қайд қилинган[20]. Шунингдек, айрим юридик энциклопедияларда[21] адвокатурага Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 1-моддасида[22] назарда тутилган таъриф берилган.

---

[11] Алексеев С.С. Восхождение к праву. Поиски и решения. – М.: Норма, 2001. – С. 665-666.

[12] Матмуротов А.Р. Ўзбекистон Республикасида адвокат мақомига эга бўлиш тартибини такомиллаштириш масалалари. Монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2022 йил. – Б. 7.

[13] БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича Саккизинчи конгресси (Гавана, Куба 1990 йил 27 август – 7 сентябрь) томонидан қабул қилинган. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/role_lawyers.shtml

[14] https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text

[15] https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

[16] https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml

[17] Ўзбекистон миллий энциклопедияси А ҳарфи. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти // Тошкент. – Б. 188.

[18] O'zbek tilining izohli lug'ati: 80000 ga yaqin so'z va so'z birikmasi. J.I. A-D / Mas'ul muharrir A.Madvaliyev. – T.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2020. –B. 39. // Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. Под редакцией д.ф.н., проф. Л.И.Скворцовой. 27-издание, исправ. – М.: Мир и Образование, 2017. – С. 32.

[19] Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Муҳитдинов Р.А. ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 12.

[20] Рустамбоев М.Ҳ., Тухташева У.А. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти. Дарслик. – Т.: "ILM ZIYO", 2012. – Б 8.

[21] Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т.: "Шарқ", 2001. – Б. 8.

[22] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда.



Назаримизда, адвокатура институтининг луғавий ва энциклопедик маънолари ҳамда қонунчиликда берилган таърифлари унинг ижтимоий-ҳуқуқий вазифасини илмий-назарий жиҳатдан тўлиқ очиб бермайди. Шу боис, адвокатура институтининг мақсади ва вазифалари, илмий, назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари инобатга олиниши лозим.

Эътиборлиси шундаки, адвокатура – бу давлат ҳокимиятидан ташқари фаолият кўрсатмайди. Тўғри, у давлат ҳокимияти тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ёки суд ҳокимиятига мансуб эмас. Аммо, фикримизча, давлатнинг бирон-бир органи, шунингдек адвокатура давлат ҳокимиятидан ташқари ҳаракат қилмайди. У доим давлат ҳокимияти остида бўлади. Бунинг боиси, адвокатура институти давлатимизнинг Бош Қомуси асосида ташкил этилган. Чунки, халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланади, халқнинг бевосита иштироки асосида Конституция қабул қилинган.

Унга кўра, малакали юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси айнан адвокатура институти зиммасига юклатилган. Асосий қонунда унинг асосий фаолият принциплари белгилаб берилган. Жумладан, адвокатура қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи асосида фаолият кўрсатади. Малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун давлат ҳокимияти (маъмурий орган) ваколатларидан фойдаланмайдиган тузилмалар орасида адвокатура институти марказий ўринни эгаллайди. Қолаверса, адвокатура фақат ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилмайди, балки у малакали юридик ёрдам кўрсатади.

Ж. Турдалиев адвокатурани “ҳуқуқий тизим ва фуқаролик жамияти институти бўлиб, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ихтиёрий бирлашмасидан иборат” дея таърифлаган эди. Назаримизда, ушбу фикр бироз баҳсли. В.Давлятовнинг “адвокатура давлат органлари тизимига ва фуқаролик жамияти институтлари таркибига кирмайдиган алоҳида, мустақил ижтимоий-ҳуқуқий институт”, деган фикрига қўшилган ҳолда, адвокатура ҳуқуқий тизим эмас, балки унинг элементи эканини урғулаймиз. Яна бир жиҳат шундан иборатки, адвокатура адвокатларнинг ихтиёрий бирлашмаси эмас, чунки адвокат мақомини олган шахс мажбурий тарзда адвокатура корпорациясига аъзо бўлади.

Адвокатура институтининг **асосий мақсади** – жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишни, тергов ёки суд ишларида ҳимоя ва вакилликни таъминлаш, ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишда иштирок этишдан иборат.

Адвокатура институтининг **ижтимоий вазифаси** – жамиятда адолатни қарор топтириш, малакали юридик ёрдам кўрсатишда

тенгликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишдан иборат. Бунда адвокатура ижтимоий институт сифатида чекланмаган доирадаги шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатади. Эътиборлиси, адвокатлар инсонларга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан, ҳатто фуқаролигидан қатъи назар малакали юридик ёрдам кўрсатади. Адвокат жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар олдида ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоячиси бўлиб хизмат қилади.

Адвокатура институтининг **асосий ҳуқуқий вазифаси** – жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш, одил судловга эришишни таъминлаш, адвокатлик фаолиятини (ҳимоя ва вакилликни амалга ошириш), давлат органларининг ўз ваколатини суиистеъмол қилишининг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлашдан иборат.

“Адвокатура тўғрисида”ги қонунда адвокатлик фаолиятининг турлари белгиланган. Эътиборлиси шундаки, қонун адвокатлик фаолиятининг бошқа турлари очиқ рўйхатини назарда тутади. Унга мувофиқ, адвокат қонунчиликда ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдамларни ҳам кўрсатиши мумкин.

Адвокатура институтининг мазмуни унинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, принциплари ва фаолият шаклларини қамраб олган тушунчадир. Фуқаролар ва ташкилотларга малакали юридик ёрдам кўрсатишда малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи адвокатлик касби ҳуқуқий мақомининг ажралмас элементи сифатида шахснинг ҳуқуқий мақомининг асосини ташкил этувчи инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий институтида таркибий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Шундай қилиб, давлат кафолатлари ва фуқаронинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини самарали амалга ошириш (қонун билан белгиланган ҳолларда бепул) шахснинг ҳуқуқий мақомини амалга ошириш тизимининг таркибий элементи ҳисобланади.

Илмий адабиётларда малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи деганда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларининг бирлиги тушунилади. Малакали юридик ёрдам кўрсатиш бошқа асосий ҳуқуқ ва эркинликлар қаторида шахснинг ҳуқуқий мақомининг асосини ташкил этади ва конституциявий ҳуқуқ сифатида юридик кучга эга бўлиб, алоҳида ҳимояга олинади.

Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни оширишда иштирок этишининг мазмуни шундаки, адвокат ҳар бир шахсга ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар ҳақида ҳуқуқий маслаҳатлар билан таъминлашда иштирок этади. Бу эса, унинг жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишдаги иштироки сифатида гавдаланади.

Яна бир муҳим масаланинг моҳияти шундан иборатки, адвокатуранинг фаолият кўрсатиши Конституция билан кафолатланган бўлиб, айни пайтда у ижтимоий институт сифатида шахсларга чекланмаган доирада, яъни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан, ҳатто фуқаролигидан қатъи назар малакали юридик ёрдам кўрсатади. Қайд этиш керакки, адвокатуранинг конституциявий мақоми мамлакатимизда бирон-бир жамоат бирлашмаси ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун хос бўлмаган хусусиятдир.

Шу муносабат билан, назаримизда, адвокатура институтига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *“Адвокатура – адвокатлар корпусидан иборат ижтимоий-ҳуқуқий институт бўлиб, унинг асосий вазифаси жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш, шу жумладан одил судловга эришишни таъминлаш, ҳимоя ва вакилликни амалга ошириш, ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишда ва қонунчиликни такомиллаштиришда иштирок этишдан иборат”*.

Шундай қилиб, адвокатура нафақат юридик, балки ижтимоий институт сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда асосий устунлардан бири ҳисобланади.

Муҳаббат САЛАМОВА,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

Суд ҳокимиятининг самарали фаолият юритиши, одил судловнинг тўлиқ таъминланиши ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд харажатлари институти алоҳида ўрин тутади. Мазкур институт суд иш юритувининг молиявий асосини шакллантириши билан бирга, ишда иштирок этувчи тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади ҳамда нотўғри, асоссиз даъволарнинг олдини олишга хизмат қилади.

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ДАВЛАТ БОЖЛАРИНИ УНДИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Суд харажатлари иқтисодий процессуал ҳуқуқнинг муҳим институтларидан бири бўлиб, унинг мавжудлиги суд тизимининг барқарор фаолият юритишини таъминлайди. Шунингдек, суд харажатлари орқали шахсларнинг судга мурожаат қилишдаги масъулияти ошади, ҳуқуқий онг ва маданият шаклланади, жамиятда процессуал интизом мустаҳкамланади. Бу институтнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти эса нафақат тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга, балки давлат бюджети ва суд органлари фаолиятининг ташкил этилишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида суд харажатларининг ҳуқуқий асослари аниқ белгилаб берилган бўлиб, улар икки асосий таркибий қисмдан иборат: давлат божи ва ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд чиқимлари. Давлат божи даъво қиймати ва иш тоифасига қараб белгиланадиган мажбурий тўлов ҳисобланади. Суд чиқимлари эса иш юритуви жараёнида вужудга келадиган харажатларни қамраб олади, жумладан, суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборатдир.

Хорижий мамлакатларда суд харажатлари институтининг ривожланиши романгерман ва англосаксон ҳуқуқ тизимлари доирасида икки йўналишда кечган. Англосаксон ҳуқуқ тизимида процессуал диспозитивлик ва давлатнинг минимал даражадаги аралашуви устувор бўлиб, бу тизимда суд жараёни иштирокчиларига суд харажатлари юкини ўзлари мустақил кўтариш ёки рақиб тарафнинг харажатларини тўлиқ ундириш имконияти берилади. Масалан, Буюк Британияда суд харажатлари асосан қарши тарафдан ундирилади, АҚШда эса кўпинча бу харажатларни ундириш умуман талаб қилинмайди[1].

Роман-герман ҳуқуқ тизимида суд харажатлари тўғрисидаги нормалар жуда кенг кодификация қилинган процессуал қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлиб, давлат суд харажатларини ундириш ва компенсация қилиш жараёнида фаол иштирок этади. Бу тизимда давлатнинг суд харажатларини таъминлашга бўлган масъулияти юқори даражада бўлиб, суд харажатлари институтининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти кучли тарзда намоён бўлади.

К. Шмотинга кўра, давлат асосий вазифа сифатида самарали ва одил судловни таъминлаш ҳамда одил судловга бўлган ҳуқуқни кенг қатламларга амалга ошириш ўртасидаги мувозанатни сақлашга интилади. Ушбу мақсадларни амалга ошириш жараёнида давлат суд харажатларига бир қатор вазифаларни юклайди, яъни суд тизимига сарфланган харажатларни компенсация қилиш, судга асоссиз мурожаатларнинг олдини олиш, фуқароларда жавобгарлик ҳиссини уйғотиш ҳамда одил судловнинг барча учун тенг ва очиқ бўлишини таъминлаш каби.

Бироқ, мазкур вазифалар ўртасида муайян зиддиятлар мавжуд. Масалан, суд тизимига сарфланган харажатларни компенсация қилиш учун суд харажатларини ошириш талаб этилади холос, одил судловнинг ҳамма учун очиқлигини таъминлаш эса суд харажатларини пасайтириш ёки умуман бекор қилишни тақазо қилади. Шунинг учун судга мурожаат қилиш жараёнида харажатларни ошириш орқали судда иштирок этиш имкониятларини осонлаштириш ёки аксинча, харажатларни камайтириш орқали уларни қимматлаштириш ўртасида мураккаб мувозанатни топиш зарур. Бошқача айтганда, суд харажатларини бир вақтнинг ўзида ҳам юқори даражада ушлаб туриш, ҳам қиммат бўлмаган ҳолда таъминлаш амалиётда мураккаб вазифадир.

Шу боис, давлатлар бир вақтнинг ўзида икки турли вазифани – одил судловнинг барча учун очиқ бўлишини таъминлашга ва суд харажатлари институтининг ўз функцияларини тўлиқ бажаришини таъминловчи мувозанатни сақлашга интиладилар. Бу мувозанат “икки стулда ўтириш” сифатида таъ-



Фаррух БАБАЖАНОВ,
“YURISTAYM” адвокатлик бюроси раҳбари,
Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси
мустақил изланувчиси

рифланади ва унинг мақсади ҳар икки томоннинг манфаатларини мослаштиришдир. Аммо кўплаб мамлакатлар ушбу мувозанатни сақлашга уринишдан воз кечиб, қайсидир вазифани афзал кўриш йўлини танлаган. Масалан, Францияда одил судловнинг ҳамма учун очиқлигини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралиб, фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларининг катта қисми бекор қилинган. Бу эса судга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган. Англия ҳуқуқ тизимида эса суд харажатлари жуда юқори бўлиб, ютқазган тараф томонидан ютган тарафга тўлиқ миқдорда суд харажатларини қоплаш мажбурияти юкланади. Бу тизим асоссиз даъволарнинг олдини олишга ва суд жараёнида масъулиятни оширишга йўналтирилган.

К. Шмотинга кўра, давлат божларини ҳисоблашда турли мамлакатларда ҳар хил усуллар қўлланилади. Масалан, Белгия ва Швецияда суд харажатларининг миқдори олдиндан қатъий белгиланган бўлиб, ўзгармас меъёрлар асосида ўрнатилган. Бошқа кўплаб давлатларда, жумладан Германия, Португалия ва Ирландияда, давлат божлари даъвонинг баҳосига пропорционал равишда ҳисобланади. Бу усул доминант бўлиб, асосий сабаб сифатида фуқаролик низоларида даъволарнинг мулкий характерда бўлиши кўрсатилади.

Санаб ўтилган давлатларнинг аксарият қисмида давлат божлари даъво суммасининг

[1] “Пути развития института судебных расходов: сравнительно-правовой анализ”, Шмотин Кирилл Сергеевич - https://cyberleninka.ru/article/n/puti-razvitiya-instituta-sudebnyh-rashodov-sravnitelno-pravovoy-analiz.

катта фоизини ташкил этмайди. Баъзи мамлакатлар, масалан, Эстония, Литва ва Чехияда давлат божлари даъво суммасига деярли тенг миқдорда белгиланади. Шунингдек, Австралия, Дания, Венгрия ва Сингапур каби давлатларда давлат божлари даъво талаблари суммасидан ҳам юқори бўлиши мумкин.

Давлат божларини шакллантиришда қўлланилаётган усуллар давлатнинг судларга сарфлаган харажатларни қандай даражада компенсация қилиш мақсадида белгиланганлигига боғлиқ. Давлат божи тўловлари юқори бўлган мамлакатларда одил судловни амалга ошириш учун қилинган харажатларни низолашувчи томонлар максимал даражада давлатга қоплаб беришини талаб қилувчи принцип асосий ўрин тутади. Шу билан бирга, ҳозирги кунда Англия ва Сингапурдан ташқари, суд харажатлари ҳисобига давлатнинг суд тизимига қилинган харажатларини тўлиқ қопловчи бошқа мамлакатлар мавжуд эмас. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Россия Федерациясида ундирилган давлат божлари орқали давлат томонидан суд фаолиятига сарфланган харажатларнинг фақатгина 17 фоизи ёки тахминан 1/6 қисми компенсация қилинади.

Фикримизча, давлатнинг сарф-харажатлари билан уларнинг компенсацияси ўртасида мувозанат сақлашга ҳаракат қилиш шахсларнинг судга мурожаат қилиш орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини сезиларли даражада чеклайди. Шунингдек, давлат божларига судга мурожаат қилиш учун тўлов сифатида қараш тўғри эмас. Чунки одил судловни амалга ошириш фаолияти давлат маблағлари ҳисобига таъминланади, яъни бу фаолият алоҳида шахслар тўлаётган тўловлар орқали эмас, балки бутун жамиятнинг солиқ тўловчилари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шу боис, суд харажатлари давлат бюджетини тўлдириш учун асосий восита сифатида кўрилмайди ва бу жараён судлар фаолиятини тўлиқ молиялаштиришни таъминлаши шарт эмас.

Бир қатор Европа давлатларининг қонун-шунослари мазкур масала бўйича шундай хулосага келишганки, натижада Франция ва Люксембург тажрибасига Португалия, Италия ва Германия ҳам эргашиб, суд харажатлари институти ислоҳ қилинган ва суд харажатларини бекор қилиш орқали барча учун одил судловнинг очиқлигини таъминлашга урғу берилган.

Англияда суд харажатлари орқали давлат томонидан қилинган харажатларнинг тахминан 80 фоизи қопланади. Бироқ, сўнгги вақтларда Англия аҳолининг кенг қатлами учун судга мурожаат қилиш имкониятининг чекланганлиги боис танқидларга учрамоқда. Шунингдек, мазкур давлатларда давлат божларининг юқори ставкалари нафақат молиявий манфаатларни муҳофаза қилиш, балки томонларни низоларни суддан ташқари ҳал қилишнинг муқобил усулларини қидиришга ундаш мақсадини ҳам кўзлайди. Англия, Дания, Нидерландия ва АҚШда ҳакамлик, арбитраж, медиация каби низоларни ҳал қилишнинг муқобил институтлари ривожланган бўлиб, бу усуллар судга қараганда анча кам харажатлар билан низоларни ҳал қилиш имконини беради. Шунинг учун ушбу давлатларда судга мурожаат кўпинча сўнгги чора ҳисобланади.

Англияда даъвогар ва жавобгарни низони судгача ҳал қилишга ундаш учун жуда кучли стимуллар мавжуд. Бунда “stop bleeding legal fees” атамаси кенг қўлланилади. Унга кўра, томонлар низоларни суддан ташқари ҳал қилса, катта миқдордаги давлат божларидан қутулиб қоладилар. Тахминан 90 фоиз низолар судгача ўзаро келишув орқали ҳал қилинади. Англияда даъвогар камида 7,500 доллар миқдорида суд харажатларини тўлашга тайёр бўлиши керак. Судга чақирув хати ва шикоят топширилгандан сўнг жавобгар низони суддан ташқари ҳал қилган тақдирда суд харажатлари ушбу миқдорда қолади. Ишнинг ривожланишига қараб, даъво суммаси 200,000 доллардан ошса, суд харажатлари янада юқори миқдорга кўтарилиши мумкин.

Назаримизда, давлат божи тўловларини даъво суммасига боғлаш институтидан воз кечиш зарур. Чунки даъво суммаси ишни кўриб чиқиш вақти ва қийинлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқ эмас. Судлар барча ишларни бир хил даражада ҳар томонлама ва объектив равишда кўриб чиқишга ҳаракат қилади. Шунинг учун, даъво суммаси катта бўлган, лекин ишнинг қийинлиги нисбатан паст бўлган ҳолатларда суд харажатлари юқори миқдорда белгиланиши ишнинг суд томонидан алоҳида эътибор ёки маҳорат билан кўрилишини таъминламайди. Бу эса

фуқаролар ўртасида суд ҳимоясига мурожаат қилишда нотенг имкониятларни вужудга келтиради. Шу боис, давлат божи ставкаларини ишнинг туркуми ва қийинлигига қараб аниқлаш зарур бўлади.

Давлат божларини ундириш методологияси назарий жиҳатдан тўлиқ ўрганилиб, ўқув адабиётлари ва дарсликларга киритилмаган. Шу боис, суд харажатларини ундириш методологиясини ишлаб чиқиш ва тизимлаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Жаҳон тажрибалари асосида суд харажатлари институтини тўртта асосий методологияга ажратишни таклиф қилган бўлур эдим:

1) суд харажатларини ундиришнинг мақсади сифатида, кенг аҳоли қатламининг одил судлов орқали ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини чеклашга қарамасдан, нисбатан юқори харажатлар орқали низоларни суддан ташқари муқобил усуллар билан ҳал қилишга ундаш (бу модел англосаксон ҳуқуқ тизими амал қилувчи давлатлар, жумладан, АҚШ, Англия, Япония, Дания, Нидерландия ва Сингапурда жорий қилинган);

2) давлат томонидан судлов фаолиятини амалга ошириш учун қилинган харажатларни максимал даражада компенсация қилиш мақсадида суд харажатларини ундириш (бу методдан Англия ва Сингапур фойдаланади);

3) аҳолининг кенг қатламига одил судловга бўлган ҳуқуқни таъминлаш билан бир вақтда суд харажатлари институтининг вазифаларини самарали бажариш ўртасида “олтин оралиқ”ни топишга интилиш. Ушбу метод суд харажатлари орқали давлат томонидан судлов фаолиятига қилинган харажатларнинг бир қисмини қоплаш, асоссиз мурожаатларни чеклаш, тарафларни молиявий жазолаш орқали жавобгарлик ҳиссини кучайтириш вазифаларини ўзида мужассам этади (бундай методологиядан романо-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатлар, собиқ СССР таркибига кирувчи давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам фойдаланади);

4) кенг омманинг одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминлаш мақсадида суд харажатларини умуман бекор қилиш йўлини танлаш (Франция ушбу методдан фойдаланади).

Суд харажатларини ундириш методологиясини назарий жиҳатдан қуйидаги асосий йўналишларда давом эттириш ва тизимлаштириш мумкин.

Суд харажатларини тўлаш вақтига кўра методология:

1) судга даъво ариза киритишдан олдин давлат божини тўлаш (бу усулдан фойдаланувчи давлатлар ичида икки хил ҳуқуқ тизимига мансуб бўлиб, Ўзбекистон ҳам улар жумласидан);

2) иш мазмунан кўриб чиқилиб, якуний суд қарори қабул қилинганидан сўнг, суд харажатлари тақсимланган вақтда тўлаш. Бу методологияни қўллайдиган давлатларда судлар суд харажатларини олдиндан талаб қилмайди ва аризаларни давлат божи тўловисиз иш юритишга қабул қилади (Бельгия ва Финляндияни мисол қилиб келтириш мумкин).

Мулкий хусусиятга эга даъволар бўйича суд харажатлари суммасини ҳисоблаш усуллари:

1) даъво суммасига пропорционал тарзда ҳисоблаш. Фуқаролик низолари бўйича давлат божларини ҳисоблашда бу методология жаҳон амалиётида доминант ҳисобланади. Икки ҳуқуқ тизимига мансуб бўлган давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам ушбу усулдан фойдаланади.

2) даъво суммасини инобатга олмасдан, иш туркумига қараб қатъий миқдорда белгиланган суд харажатлари (бу методдан Белгия ва Финляндия фойдаланади).

Юқорида қайд этилган методлардан миллий қонунчилигимизнинг суд харажатларини тартибга солувчи институтларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкони мавжуд. Бироқ суд харажатлари институтини белгилашда англосаксон методи бизнинг ҳуқуқий тизимимизга тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Бунинг асосий сабаби мамлакатимизда низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари ушбу давлатлардаги каби етарлича ривожланмаганлигидир. Айниқса, англосаксон давлатларида ҳакамлик, арбитраж ва медиатив келишувларнинг натижалари давлат судлари томонидан мажбурий ижро этиш учун алоҳида ижро варақаси бериш талабисиз ижрога қаратилиши мумкин. Бундай амалиёт эса бизнинг амалдаги қонунчилигимизда ҳали жорий қилинмаган.

Қонунчилигимизда низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари натижаларига кўра қабул қилинган ҳужжатларнинг мажбурийлиги билан боғлиқ зарурий ўзгаришлар ҳали амалга оширилмаган. Шу сабабли, ҳа-

камлик судининг қарорлари ҳануз давлат судлари томонидан мажбурий ижрога қаратилиши керак бўлади. Шунингдек, медиатив келишувлар ихтиёрий ижро этилмаган тақдирда, томонлар умумий тартибда қайта судга мурожаат қилиши лозим бўлади. Бу ҳолатлар туфайли, суд харажатларини белгилашда биринчи (англосаксон) методни мамлакатимиз ҳуқуқ тизимига тўғри келмайди деб ҳисоблайман.

Демак, ҳуқуқий давлатнинг энг асосий элементларидан бири бўлмиш сифатли ва ҳамма учун очиқ бўлган одил судлов тизимининг мавжудлиги ҳам суд харажатлари билан бевосита узвий боғлиқ.

Янги Ўзбекистоннинг асосий мақсадларидан бири – ҳуқуқий давлатни барпо этишдир. 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдум натижасида янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 140-моддаси[2]да судларнинг фаолияти фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштирилиши ҳамда суд тизимига одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имконияти берилгани таъкидланган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан тасдиқланган 2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 15-банди[3]га зид равишда, кенг жамоатчиликнинг одил судловга бўлган ҳуқуқидан маҳрум этилишига сабаб бўлган суд харажатларини ундиришнинг Англия методи давлатимиз томонидан қўйилган мақсадларга зид ҳисобланади.

Суд харажатлари институтини белгилашда Франция усули ҳам миллий ҳуқуқ тизимимизга мос келмаслиги мумкин, деб ҳисоблайман. Чунки давлат божидан озод қилиш суд харажатларининг асосий вазифалари – превентив ва жазолаш функцияларини амалга оширишда самарасизликка олиб келади. Бу эса томонларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришдан қочишига ва суднинг фақат восита сифатида қолишига сабаб бўлади.

Фикримча, суд харажатлари институтини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси амалиётида қўлланилаётган учинчи – роман-герман ҳуқуқ тизимига хос усулни сақлаб қолиш маъқул ва мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу метод миллий ҳуқуқий тизимимиз тамойилларига ва давлатимиз томонидан қўйилган стратегик мақсадларга мос келади. Шу билан бирга, кенг аҳоли қатлами учун одил судлов орқали ҳуқуқларни самарали ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтириш мақсадида мазкур методология доирасида белгиланган ҳуқуқий механизмларни ислоҳ қилиш зарур, деб ҳисоблайман.

Масалан, кенг аҳоли қатлами учун одил судлов орқали ҳуқуқларни ҳимоя қилиш имкониятларини таъминлаш ва суд харажатларининг ҳуқуқий функцияларидан (превентив, жазоловчи ва компенсацион) максимал даражада фойдаланиш ўртасидаги “олтин мувозанат”ни таъминлаш мақсадида, “икки стулда ўтириш” ҳолатидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир. Бундай мувозанатга эришишнинг амалий йўли сифатида суд харажатларини тўлаш вақтига оид амалдаги тартиб, яъни даъво аризаси тақдим этилишидан олдин суд харажатларини тўлашни талаб қилувчи методдан воз кечишни таклиф этаман. Ўрнига, суд иши мазмунан кўриб чиқилиб, якуний қарор қабул қилинганидан сўнг суд харажатларини тақсимлашни назарда тутувчи иккинчи методга ўтиш орқали судга мурожаат қилишнинг молиявий тўсиқларини камайтириш ва ҳуқуқий ҳимоянинг фуқаролар учун очиқлигини таъминлаш мумкин, деб ҳисоблайман.

Юқорида келтирилган усулга альтернатив равишда, суд харажатлари миқдорини белгилашда амалдаги – даъво суммасига пропорционал тарзда ҳисоблаш методидан воз кечиб, унинг ўрнига даъво суммасини ҳисобга олмаган ҳолда ишнинг туркумига қараб қатъий миқдорда белгиланадиган методологияга ўтиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бундай ёндашув фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай, айниқса процессуал жиҳатдан содда, аммо даъво суммаси катта бўлган ишлар бўйича давлат божини тўлашда юзага келаётган молиявий қийинчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Суд харажатларини ишнинг мазмунан мураккаблиги эмас, балки даъво суммасига нисбатан ҳисоблаш амалиёти аксарият

[2] O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi [Matn]. – Toshkent: Yuridik adabiyotlar publish, 2023 y. – 101 b.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғриси”даги Фармони //URL: https://lex.uz/docs/5841063.

ҳолларда тўлов қобилияти паст бўлган шахсларнинг суд ҳимоясига мурожаат қилиш ҳуқуқини чеклаб қўяди.

Шу муносабат билан, суд харажатлари миқдорини иш туркуми асосида аниқ миқдорда белгилаш орқали фуқаролар учун давлат божи тўлаш жараёнида ҳуқуқий ва молиявий қулайликлар яратилади. Бу эса, ўз навбатида, судга мурожаат қилиш имкониятини кенгайтириш, одил судловнинг очиқлиги ва умумфаоллигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу муносабат билан, иқтисодий ишларнинг мураккаблиги ва процессуал жиҳатдан юритилишидаги фарқларни инобатга олган ҳолда, уларни туркумларга ажратувчи махсус шкалани ишлаб чиқиш ва ана шу шкала асосида олдиндан тўланадиган давлат божи миқдорини белгиловчи тизимни жорий этиш таклиф этилади. Бу ёндашув, биринчи навбатда, судга мурожаат қилишда юзага келадиган молиявий тўсиқларни юмшатишга, одил судловдан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга ҳамда мурожаатчининг даъво суммасидан кўра ишнинг ҳақиқий мураккаблиги асосида баҳоланишига имкон яратади. Ушбу таклиф “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да белгиланган устувор йўналишлар, жумладан, 13 ва 15-мақсадлари билан тўлиқ ҳамоҳангдир. Ушбу стратегияда суд харажатлари институти бўйича регрессив тартибни жорий этиш орқали иқтисодий жиҳатдан заиф қатламларни ҳимоя қилиш ва судга мурожаат қилишда тенг имкониятлар яратиш белгиланган. Шунинг учун таклиф этилаётган моделни Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган мақсадлар ва вазифаларга тўлиқ мос, деб баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан судлар фаолиятини таъминлаш учун қилинган харажатлар республика бўйлаб 2023 йил давомида иқтисодий судлар томонидан республика бюджетига 709.821.510.978 сўм миқдорида, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 908.068.473.856 сўм миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни[4]нинг 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 32-бандида Ўзбекистон Республикаси Олий судига жами 1 273 817,7 млн. сўм, жумладан, жорий харажатлар учун 1 190 290,0 млн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 83 527,7 млн. сўм ажратилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг 2023 йил учун эълон қилган ҳисоботига кўра, судлар фаолиятини молиялаштириш учун 2023 йилда 1 трлн. 381 млрд. сўм (бюджетдан – 1 трлн. 289 млрд. сўм, жамғармадан – 91 млрд. сўм) ажратилган бўлиб, бу миқдор 2022 йилга нисбатан 243 млрд. сўмга кўп демакдир (1 трлн. 138 млрд. сўм, бюджетдан – 1 трлн. 92 млрд. сўм, жамғармадан – 46 млрд. сўм).

Маълумотлар асосида таҳлилни амалга оширсак, биргина иқтисодий судлар томонидан бутун суд тизимига қилинган харажатларнинг 51 фоизи компенсация қилиниши маълум бўлади. Фуқаролик ишлари бўйича судларни ҳам қўшганда суд тизимига қилинган харажатларнинг 127 фоизи компенсация қилинади. Ушбу таҳлилий рақамлар ҳам иқтисодий судларда давлат божи ставкаларини камайтириш лозимлигини билдиради.

Хулоса

Қонунчиликка киритиладиган ўзгартиришлар орқали юқоридаги камчиликларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлиб, бу тадбиркорлик субъектларининг суд орқали ўз ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишини сезиларли даражада енгиллаштиради. Бу эса суд жараёнларидаги ортиқча сарсонгарчиликларни камайтиради, тадбиркорларда қўшимча рағбат ва ишонч уйғотади ҳамда адолатли суд тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Шундай қилиб, қонунчиликдаги мазкур ислоҳотлар иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва ҳуқуқий муҳитни яхшилашга муҳим ҳисса қўшади.

[4] O‘zbekiston Respublikasining “2023-yil uchun O‘zbekiston Respublikasining Davlat budjeti to‘g‘risida”gi Qonuni. O‘zbekiston Respublikasi Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi //URL: https://lex.uz/uz/docs/-6333240.

ОДИЛ СУДЛОВНИНГ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДА СУДЬЯЛИККА НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРИ

Замонавий дунё судьяларга янги талабларни қўймоқда: чуқур ҳуқуқий билим ва мустақилликдан ташқари, улардан рақамли трансформация шароитида ишлаш ва сунъий интеллект воситаларини эгаллаш кутилмоқда. Ушбу кутишларнинг пойдевори бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хизмат қилади, зеро унинг 15-моддасида қонун устуворлиги мустаҳкамланган, 55-моддасида эса ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланган[1]. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августда қабул қилинган “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сон фармони[2] бўлажак судьяларда замонавий компетенцияларни, шу жумладан, суд-ҳуқуқ фаолиятида замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларини амалиётда қўллаш кўникмаларини шакллантиришга урғу беради.

Фармон фан, таълим ва амалиётнинг узвий боғлиқлигига асосланган, халқаро стандартлар бўйича судьяларни тайёрлашнинг ягона тизимини яратишни мақсад қилган. Ушбу вазифалар Президентнинг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон фармони[3] қабул қилиниши билан янги суръат касб этди. Мазкур Фармон мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиб, давлат бошқарувининг барча цикларига “ақлли” технологияларни жорий этишни талаб қилмоқда. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган янги вазифалар судьялар корпусини тайёрлашда одил судловнинг тўлиқ рақамли трансформациясига йўналтирилган янгиланган ёндашувни талаб этади.

ПФ-141-сон фармон билан Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ихтисослаштирилган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланиши белгиланди. Академия илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда суд тизими кадрларини тайёрлашнинг асосий марказига айланиши лозим. Фармонга мувофиқ ўқув жараёни “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойили (“устоз–шогирд” анъанаси) асосида ташкил этилмоқда, бу эса амалиётчи судьялардан ёш мутахассисларга тажриба ва ахлоқий қадриятларни ўтказиш имконини беради. Мазкур методика Конституциянинг 136-моддасидаги судьяларнинг мустақиллиги ва холислиги ҳақидаги норма руҳига ҳам тўлиқ мос келади. Масалан, бу Франциядаги Миллий магистратура мактаби амалиётига ҳам ҳам-

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2023.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.08.2025 й., 06/25/141/0772-сон.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.02.2026 й., 06/26/21/0145-сон.

оҳанг бўлиб, у ерда судьяликка номзодларга бевосита судьялар устозлик қилади.

Академияда ўқув режаси судьялик лавозимлари танловида иштирок этиш учун зарур бўлган сертификат бериладиган мажбурий якуний аттестацияни ўз ичига олади. Тингловчилар давлат гранти ва стипендия оладилар, бу эса ижтимоий ҳимояни ва ўқув жараёнига тўлиқ жалб этилишни таъминлайди. Шундай қилиб, қонунчилик ва ташкилий тузилма судьяликка номзодларни тайёрлашнинг халқаро стандартлари ва мамлакатни 2030 йилгача ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига таянади ҳамда фундаментал билимлар ва илғор амалий тажриба уйғунлигига йўналтирилган.

Таълимнинг инновацион методлари ва сунъий интеллект

Академия ўқув дастурида нафақат ҳуқуқий фанларга, балки рақамли ҳуқуқий муҳитда ишлашнинг амалий кўникмаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 2025 йил октябрь ойидан бошлаб барча номзодлар ҳуқуқ йўналишлари (жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқ) бўйича олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курсидан ўтмоқдалар. Ўқиш жараёнида тингловчилар суд жараёнларини моделлаштиришда иштирок этишмоқда, рақамли технологиялар билан ишлашни ўзлаштиришмоқда, шунингдек реал суд қарорларини таҳлил қилишмоқда. Биринчи кунданоқ “виртуал судлар” – махсус имитацион жараёнлар жорий этилмоқда, улар доирасида номзодлар суд мажлисларини реал вақт режимида кузатадилар ва судьянинг ҳаракатларини таҳлил қиладилар. Бу уларда суд жараёни ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириб, суд залида мустақил иш бошлагунга қадар амалий кўникмаларни шакллантириш имконини беради.

Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш ҳам ўқитишнинг мажбурий қисмига айланмоқда. Тингловчиларга суд қарорларини таҳлил қилиш ва ҳуқуқий хавфларни прогноз қилиш учун сунъий интеллектни қўллаш бўйича машғулотлар таклиф этилади. Президентнинг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон фармонида маълумотлар асосида бошқарувнинг проактив



Фозилжон ОТАХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси профессори, юридик фанлар доктори

усулларига ўтиш зарурлиги алоҳида таъкидланган бўлиб, бу сунъий интеллектни эгаллашни ўта муҳим кўникмага айлантиради. Сунъий интеллектни қўллаш бўлажак судьяларда рақамли муҳитда самарали ишлаш ва катта ҳажмдаги маълумотлар асосида қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиради. Масалан, инновацион тайёргарлик методлари билан бирга сунъий интеллект платформалари ёрдамида суд амалиётининг катта массивларини таҳлил қилиш бўйича вазифалар киритилмоқда.

Бундан ташқари, ўқитишнинг деонтологик (этик) компоненти мустаҳкамланмоқда. Ўқув режаларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура ва эксперт хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик киритилган бўлиб, у ерда машғулотлар деонтологик тренинг шаклида ўтказилмоқда. Шундай қилиб, техник тайёргарлик Президент фармони ва касбий этика нормаларида назарда тутилган юксак ахлоқий стандартлар билан уйғунлаштирилган. Натижада, Академиянинг янги таълим модели дуал таълим тизимини (назария – амалиёт – имитация) назарда тутади ва рақамли воситалар ҳамда сунъий интеллект технологияларини эгаллашдан тортиб касбий этикани тарбиялашгача бўлган комплекс ёндашувни таъминлайди.

Судьяларни тайёрлаш жараёнига сунъий интеллектни интеграция қилишнинг асосий шакллари ва усуллари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, суд жараёнларини моделлаштириш (“виртуал судлар”): номзодлар-

нинг реал вақт режимида суд мажлислари симуляциясида иштирок этиши. Бу электрон иш юритиш кўникмаларини беради;

иккинчидан, сунъий интеллект ёрдамида суд қарорларини таҳлил қилиш: сунъий интеллектнинг таҳлилий алгоритмларини қўллаган ҳолда реал суд ҳужжатларини ўрганиш бўйича машғулотлар;

учинчидан, ҳуқуқий хавфларни прогноз қилиш: қарорлар устидан шикоят берилиши эҳтимолини ёки манфаатлар тўқнашуви юзага келишини баҳолаш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш;

тўртинчидан, "назария – амалиёт – имитация" дуал тизими;

бешинчидан, деонтологик тренинглар.

Ушбу методлар туфайли интеграциялашган компетенция шаклланади: бўлажак судьялар қарорларнинг холислиги ва адолатлилигига бўлган эътиборни йўқотмаган ҳолда сунъий интеллект ва рақамли тизимлар билан ишлашни ўзлаштирадилар.

Судьяларни сунъий интеллектни ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш бўйича хорижий тажриба

Жаҳондаги аксарият суд мактабларининг таълим дастурларида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан фаол фойдаланилмоқда. Масалан, Францияда Миллий магистратура мактаби (ENM) фундаментал назарияни судлардаги узоқ муддатли амалиёт билан бирлаштиради. ENM ўқитишга сунъий интеллект мавзусини фаол интеграция қилмоқда. Испания Суд ҳокимияти мактаби (Escuela Judicial) билан биргаликда одил судлов тизими мутахассисларини сунъий интеллект билан ишлаш кўникмаларига ўқитиш бўйича икки йиллик JUST fAIr Европа лойиҳасини ишга туширмоқда[4].

Германияда икки босқичли тайёрлаш тизими амал қилади: университет таълимидан кейин судларда узоқ муддатли стажировка (Referendariat) ва икки босқичли давлат имтиҳонлари[5] келади. Немис судьялари, шунингдек, рақамлаштириш бўйича Европа таълим дастурларида ҳам иштирок этадилар. Испанияда Суд ҳокимияти мактаби (Барселона) назарий тайёргарликни икки йиллик амалиёт билан бирлаштириб, этика, психология ва сунъий интеллектга алоҳида эътибор қаратади.

АҚШда судьяларни тайёрлаш билан миллий ва минтақавий марказлар шуғулланади. Масалан, Миллий судьялар коллежи (National Judicial College) сунъий интеллект бўйича курсларни ўз ичига олган мослашувчан ихтисослаштирилган дастурларни таклиф этади[6]. Коллеж ҳуқуқий тизимда сунъий интеллект ҳақида асосий билимларни берувчи "Судьялар ва юристлар учун сунъий интеллект" интенсив курсини ўтказади.

Японияда Суд таълими ва тадқиқот институти (Legal Training and Research Institute) бўлажак судьяларни тайёрлашда этик тайёргарлик ҳамда холисликка урғу беради[7]. Япон судьялари тажриба алмашиш бўйича глобал дастурларда (жумладан, сунъий интеллект бўйича халқаро семинарларда) иштирок этадилар, бу мамлакатнинг одил судловнинг рақамли таркибий қисмини кучайтириш борасидаги умумий курсига мос келади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий тажриба таҳлили ҳам шуни тасдиқлайдики, Франция, Германия, Испания, АҚШ ва Япония каби мамлакатларда судьяларни тайёрлаш тизимида сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан фойдаланиш тобора кенгаймоқда. Бу тенденция глобал характерга эга бўлиб, суд ҳокимияти самарадорлиги ва очиқлигини оширишга қаратилган.

Шундай қилиб, судьяларни сунъий интеллектни ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш бу вақтинчалик тренд эмас, балки "Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида одил судловни тўлиқ рақамли трансформация қилишнинг институционал пойдеворидир. Энг муҳими, сунъий интеллектга судьяни алмаштирувчи эмас, балки унинг ҳуқуқий таҳлил имкониятларини кенгайтирувчи восита сифатида қаралиши керак. Фақат шу ҳолдагина технология ва адолат уйғунлиги таъминланади, инсон қадри ва қонун устуворлиги эса ҳар қандай рақамли ислоҳотнинг марказида қолади.

[4] Project JUST fAIr: Joint judicial training on the use of Artificial Intelligence in the justice system (EU Justice Programme).
[5] Deutscher Richterbund (DRB): Training and recruitment of judges and state attorneys in Germany.
[6] National Judicial College (USA): "Artificial Intelligence for Judges" – Educational curriculum for legal professionals.
[7] Supreme Court of Japan: Legal Training and Research Institute (LTRI) — Overview of judicial training and research programs.

Ўзбекистон 1954 йил 1 мартдаги “Фуқаролик процесси масалалари тўғрисида”ги Гаага конвенциясига ҳамда 1958 йил 10 июндаги “Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги Нью-Йорк конвенциясига қўшилган. Бундан кўзланган мақсад — ривожланган давлатлар сингари халқаро арбитраж судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан иборатдир.

“ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО САВДО НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан судга (иқтисодий судга ёки фуқаролик ишлари бўйича судга) шикоят қилиш илтимоснома киритиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Арбитражнинг ҳал қилув қарори суд томонидан қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин, агар:

1) бекор қилиш тўғрисида ариза берган тараф арбитраж келишувининг тарафларидан бири қайсидир даражада муомалага лаёқатсиз эканлигининг ёки ушбу келишувнинг тарафлар уни қайси қонун ҳужжатларига бўйсундирган бўлса, ўша қонун ҳужжатлари бўйича, бундай қонун ҳужжати мавжуд бўлмаганда эса Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бўйича ҳақиқий эмаслиги далилини тақдим этса;

2) тараф арбитр тайинланганлиги ҳақида ёки арбитраж муҳокамаси тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришини тақдим эта олмаганлиги ҳақида далил тақдим этса;

3) арбитражнинг ҳал қилув қарори арбитражда ҳал қилиниши назарда тутилмаган ёки арбитражга мурожаат қилиш шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда арбитраж келишувини қўллаш доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича қарор мавжудли далилини тақдим этса. Бунда арбитражда кўрилиши лозим бўлган масалалар бўйича қарорни арбитражга тегишли бўлмаган масалалардан ажратиб олиш мумкин бўлса, у ҳолда арбитраж ҳал қилув қарорининг арбитражга тегишли бўлмаган масалалар бўйича қарори мавжуд бўлган қисмигина бекор қилиниши мумкин;

4) арбитраж судининг таркиби ёки арбитраж тартиб-таомили тарафларнинг келишувига мувофиқ эмаслиги далилини, агар фақат бундай келишув Қонуннинг тарафлар чекиниши мумкин бўлмаган ҳар



Гулмира БОБОЖОНОВА,
«LOCHIN» АФ адвокати

қандай қоидасига зид бўлмаса ёки бундай келишув мавжуд бўлмаса, Қонунга мувофиқ эмаслиги далилини тақдим этса.

Шунингдек, агар суд: (a) низо предмети Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра арбитраж муҳокамасига тегишли эмаслигини; (b) арбитражнинг ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зид эканлигини аниқласа ҳам тарафларнинг илтимосномаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, арбитражнинг ҳал қилув қарори бекор қилиниши мумкин. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш чоғида суд ҳал қилув қарорини моҳияти бўйича қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Ҳозирги кунда жаҳонда Халқаро савдо палатаси ҳузуридаги Халқаро арбитраж суди (ICC), Лондон халқаро арбитраж суди (LCIA), Сингапур халқаро арбитраж маркази (SIAC), Тошкент халқаро арбитраж маркази (TIAC) фаолият кўрсатмоқда. Қиёсий-ҳуқуқий ёндашув ушбу марказларнинг институционал тартиб-таомилларидаги фарқ ва ўхшашликларни аниқлаш имконини берди, формал-ҳуқуқий метод халқаро конвенциялар, модел ҳужжатлар ва миллий қонунларни таҳлил қилиш учун қўлланилди, структуравий ва функционал таҳлил эса арбитражни ҳуқуқий, ташкилий ва этик таркибий қисмларни уйғунлаштирган мураккаб тизим сифатида кўриб чиқиш имконини берди.

Тошкент халқаро арбитраж маркази (TIAC) 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида ташкил этилган бўлиб, Марказий Осиёда ЮНСИТРАЛ тамойилларига асосланган институционал арбитражнинг янги модели ҳисобланади. TIACнинг 2020 йилги регламенти электрон ҳужжат айланмаси, онлайн эшитувлар ўтказиш, учта ишчи тилдан (рус, инглиз ва ўзбек) фойдаланиш, шунингдек арбитрларни тайинлашда шаффофлик тамойилини назарда тутади. TIAC хорижий инвесторларни жалб қилишга йўналтирилган ва Евроосиё минтақасида низоларни ҳал этиш учун нейтрал майдон сифатида ўзини позициялайди.

Халқаро тижорат арбитражини ривожлантириш, арбитраж муҳокамаси институтининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, арбитражлар фаолияти учун зарур бўлган давлат судлари билан ҳамкорлик механизмларини жорий этишга хизмат қилади.

Ҳаммага маълумки, тарафларнинг шартномавий хусусиятга эга ёки эга эмаслигидан қатъи назар, бирор-бир аниқ ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлган, улар ўртасида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган барча ёки муайян низоларни арбитражга топшириш тўғрисидаги келишуви арбитраж келишуви ҳисобланади.

Арбитраж келишуви ёзма шаклда тузилади. Бунда тарафлар ўз хоҳишига кўра арбитрлар сонини белгилаши мумкин. Бундай келишув бўлмаганда уч нафар арбитр тайинланади. Арбитр фақат унинг холислиги ёки мустақиллиги борасида асосли шубҳалар келтириб чиқарувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ёки у тарафлар келишувида белгиланган талабларга мос келмаган тақ-

дирда рад этилиши мумкин. Арбитр юридик жиҳатдан ёки амалда ўз вазифаларини бажара олмай қолса ёхуд бошқа сабабларга кўра асоссиз кечикиш туфайли уларни амалга оширишга киришмаса, агар арбитр тайинланишни рад этса ёки тарафлар бундай тугатиш борасида келишиб олса, унинг ваколатлари тугатилади.

Тарафлар арбитраж жойи тўғрисида ўз хоҳишига кўра келишиб олиши мумкин. Бундай келишув мавжуд бўлмаган тақдирда, арбитраж жойи арбитраж суди томонидан иш ҳолатларини, шу жумладан тарафлар учун қулайлик омилини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Тарафлар арбитраж муҳокамасида фойдаланиладиган тил ёки тиллар тўғрисида ўз хоҳишларига кўра келишиб олиши мумкин. Тарафлар ўз ишларини арбитраж муҳокамасида тўғридан-тўғри ёки тарафлар хоҳишига кўра, шу жумладан хорижий ташкилотлар ва фуқаролар орасидан тайинланадиган ваколатли вакиллари орқали олиб боришлари мумкин.

Бир нафардан ортиқ арбитр томонидан арбитраж муҳокамасини ўтказишда, агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, арбитраж судининг ҳар қандай ҳал қилув қарори арбитраж суди барча аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар арбитраж муҳокамаси жараёнида тарафлар низони ҳал қилса, арбитраж суди муҳокамани тугатади ва тарафларнинг илтимосига кўра ва, агар арбитраж суди томонидан эътирозлар мавжуд бўлмаса, ушбу ҳал қилишни келишилган шартлар асосидаги арбитраж ҳал қилув қарори тарзида қайд этади.

Арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан судга шикоят қилиш фақат уни бекор қилиш тўғрисида ариза бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Арбитражнинг ҳал қилув қарори, у қайси мамлакатда қабул қилинганидан қатъи назар, мажбурий деб тан олинади ва судга ёзма ариза берилган тақдирда ижро этилади.

Арбитражнинг ҳал қилув қарори тегишли тараф томонидан ихтиёрий ижро қилинади ёки Нью-Йорк Конвенциясига мувофиқ, у қайси мамлакатда қабул қилинганидан қатъи назар, ундирувчи томонидан ваколатли судга ёзма илтимоснома берилган тақдирда арбитражнинг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва мажбурий ижрога қаратиш мумкин.

Мазкур Қонуннинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири унда арбитражнинг махфийлигига оид норма алоҳида моддада белгиланганлигидир. Унга кўра, агар тарафлар бошқача келишиб олмаган бўлса, арбитраж муҳокамаси учун тайёрланган ҳамда ушбу муҳокама жараёнида тайёрланган барча ҳужжатлар махфий хусусиятга эга бўлади.

Мазкур Қонуннинг қабул қилинганлиги:

биринчидан, Ўзбекистонда низоларни муқобил ҳал қилиш усули ҳисобланувчи ва оммавий аҳамиятга эга бўлган функцияни амалга оширувчи фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида арбитраж муҳокамаси институтини ривожлантиришга;

иккинчидан, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарурий ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга;

учинчидан, ташқи савдо ҳамда бошқа ташқи иқтисодий фаолият турларини амалга оширишда шартномавий ва бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низолар, корпоратив тусдаги низолар, инвестициялар, интеллектуал мулк ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ низоларни кўришда тарафларнинг вақти ва харажатларини қисқартиришни таъминлашга;

тўртинчидан, халқаро тижорат арбитражи соҳасида етук мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни жаҳон андозаларига мос равишда олиб боришга хизмат қилади.

Хайнань арбитри ва амалиётчи адвокат сифатида икки томонлама мақомда ушбу Хитой – Ўзбекистон халқаро тижорат арбитраж семинари иштирокчилари билан трансчегаравий тижорат низоларини ижро этишдаги қийинчиликлар, арбитраж тизимининг афзалликлари ва адвокатларнинг бу борадаги муҳим роли ҳақида ўз амалий ишларим асосида фикр алмашиш мен учун катта шарафдир.

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ТИЖОРАТ НИЗОЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РЕАЛ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ



Сўзимни ўзим юритган бир ишдан бошламоқчиман. Ушбу ишда иккала томон ҳам Хитой субъектлари бўлиб, шартнома имзоланган жой ва бажарилган жой Хитой ҳудудида эди. Ҳамкорликнинг дастлабки босқичида томонлар ўртасида муносабатлар яхши эди ва улар лойиҳа истиқболига катта умид боғлаган эдилар. Бироқ лойиҳа муҳим босқичга етганда бир томон шартнома шартларини жиддий бузди ва Австралияга кўчиб ўтгач, асосий мол-мулкини хорижга ўтказди, натижада менинг ҳимоямдаги томоннинг қонуний талаблари узоқ вақт давомида қондирилмай қолди.

Ҳимоямдаги томоннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун биз Хитойнинг ваколат-

ли судига қонуний равишда даъво аризаси бердик. Қонуний ва тўлиқ ўрганишдан сўнг суд менинг барча талабларимни қаноатлантирди ва ҳимоямдаги томон қонуний кучга кирган суд қарорига эга бўлди. Бироқ, суд қарорининг қулайлиги ҳуқуқларнинг амалда таъминланишига айланмади ва трансчегаравий ижро кўплаб реал қийинчиликларга дуч келди.

Биринчидан, трансчегаравий мол-мулкни топиш жуда қийин. Суд суверенитетининг ҳудудийлик тамойили туфайли Хитой судининг мол-мулкни текшириш ва назорат қилиш чоралари хорижда автоматик равишда қўлланилмайди. Хориждаги банклар, кўчмас мулкни рўйхатга олиш идоралари, компанияларни рўйхатга олиш органлари одатда Хитой судининг сўровлари ва блокировка талабларига жавобан бевосита ҳамкорлик қилмайди.

Иккинчидан, суд қарорларини трансчегаравий тан олиш ва ижро этиш учун тўғридан-тўғри шартнома асоси мавжуд эмас. Хитой ва Австралия ўртасида фуқаролик ва тижорат суди қарорларини ўзаро тан олиш ва ижро этиш тўғрисида икки томонлама шартнома тузилмаган ва суд амалиётида барқарор ўзаро муносабатлар ҳам шаклланмаган. Бу Хитой судининг қонуний кучга кирган қарорини Австралияда тан олиш ва ижро этиш учун тўғридан-тўғри мурожаат қилиб бўлмаслигини англатади. Томонлар қайта даъво қўзғатиш, далилларни такроран тақдим этиш ва процессуал айланишларнинг катта харажатларига дуч келишади, бу эса вақт ва иқтисодий жиҳатдан жуда оғир.

Учинчидан, ҳужжатларни топшириш қоидаларидаги фарқ жиддий процессуал тўсиқ бўлади. Хитойнинг Фуқаролик процессуал кодекси ва тегишли арбитраж қоидаларига кўра, суд ва арбитраж ҳужжатлари суд, арбитраж институти каби қонуний ваколатли органлар томонидан топширилиши керак, адвокатнинг ўзи томонидан топшириш қонуний кучга эга эмас. Трансчегаравий шароитда эса суд ёрдами орқали топшириш муддати узоқ, муваффақият даражаси паст ва тартиб мураккаб бўлиб, бу кўпинча низоларни ҳал қилишда жиддий тўсиқ бўлади.



Ли ЖИНГЮ,
Хайнань арбитри ва амалиётчи адвокат

Ушбу ишга қайтадиган бўлсак, қарши томоннинг мол-мулкини текшириш учун ҳимоямдаги томон Австралияда яна даъво қўзғатди ва мол-мулкни топди, аммо барибир ижро эта олмади. Охир-оқибат мен қарама-қарши томоннинг Хитойдаги бошқа талабларини аниқладим ва келишув тартиби орқали ҳимоямдаги томоннинг зарарини маълум даражада қоплашга эришдим.

Юқоридаги муаммолар якка ҳолат эмас, балки ҳозирги трансчегаравий тижорат низоларида кенг тарқалган реал қийинчиликлардир: ишда ғалаба қозониш осон, ижро этиш қийин; ички маконда осон, ташқи маконда қийин; қарор чиқариш осон, уни амалга ошириш қийин. Айнан шунинг учун биз бугун трансчегаравий низоларни ҳал қилиш ва арбитраж ҳамкорлигини муҳокама қилмоқдамиз.

Юқоридаги қийинчиликларга дуч келиб, кўп йиллик амалий тажрибамга асосланиб, мен бу муаммоларни ҳал қилиш йўллари асосан икки даражада эканлигини ва бу ишдан олган энг чуқур икки сабоқ эканлигини ҳисоблайман.

Биринчидан, арбитражни устувор танлаш ва халқаро конвенцияларга таяниб трансчегаравий ижрони амалга ошириш.

Трансчегаравий ижро қийинчиликларини енгишда биринчи навбатда низоларни ҳал қилиш усулини тўғри танлаш керак. Суд жараёнига нисбатан арбитраж трансчегаравий ижро соҳасида аниқ ва умумий мажбурий кучга эга халқаро шартномаларга асосланган ҳолда сезиларли ва барқарор тизимли афзалликларга эга.

Энг аввало, бу «Хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги конвенция», яъни 1958 йилги Нью-Йорк конвенциясидир. Хитой, Австралия ва Ўзбекистон ушбу конвенциянинг аъзо давлатларидир. Нью-Йорк конвенциясига кўра, ҳар бир аъзо давлат бошқа аъзо давлат ҳудудида чиқарилган арбитраж қарорини тан олиш ва ижро этиш мажбуриятига эга, фақат қонун билан белгиланган жуда кам ҳолларда рад этилиши мумкин. Бу шуни англатадики, арбитраж қарори глобал миқёсда ижро этиш қобилиятига эга. Хитойда чиқарилган арбитраж қарори тўғридан-тўғри Австралия, Ўзбекистон каби аъзо давлатларнинг судларига ижро учун топширилиши мумкин, қайта моддий текширув ўтказиш шарт эмас, бу эса самарадорлик ва аниқликни кескин оширади.

Икки томонлама суд ёрдами шартномалари қўшимча кафолат беради. Хитой ва Ўзбекистон ўртасида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ёрдами тўғрисида шартнома мавжуд бўлиб, унда ҳужжатларни топшириш, далилларни йиғиш ва қарорларни ижро этиш каби масалалар бўйича қўшимча тартиблар белгиланган. Бу Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги трансчегаравий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш учун янада батафсил тизимли асос яратади.

Мен вакиллик қилган ишга қайтадиган бўлсак, агар томонлар шартномада олдиндан кучга эга арбитраж бандини белгилаган бўлсалар, унда Хитойда чиқарилган арбитраж қарори Нью-Йорк конвенциясига асосан тўғридан-тўғри Австралия судига ижро учун топширилиши мумкин эди ва суд қарорининг трансчегаравий бўлмаганлиги, мол-мулкни назорат қилиш қийинлиги каби пассив ҳолатга тушиб қолмас эди. Арбитражни танлаш, аслида, халқаро миқёсда тан олинадиган ва ҳуқуқларни амалга ошириш учун қулайроқ бўлган низоларни ҳал қилиш йўлини танлашдир.

Иккинчидан, адвокатларнинг профессионал ролини ўйнатиш ва трансчегаравий процессуал тўсиқларни бартараф этиш.

Трансчегаравий низоларни ҳал қилишнинг бутун жараёнида адвокатларнинг роли процессни олиб бориш, қоидаларни қўллаш ва ҳуқуқларни амалга оширишнинг барча босқичларида намоён бўлади, айниқса ҳужжатларни топшириш, процессларни боғлаш каби амалий нуқталарда уларнинг аҳамияти жуда катта. Бунинг типик намунаси Хитой ва хорижий мамлакатлар ўртасидаги топшириш қоидалари фарқи туфайли юзага келган амалий имкониятдир. Австралия каби умумий ҳуқуқ тизимига эга мамлакатларда адвокат томонидан топшириш қонун томонидан аниқ тан олинади ва расмий процессуал кучга эга. Ушбу ишда хориждаги мол-мулкни топиш мақсадида қўзғатилган хорижий даъвода қарама-қарши томоннинг жойлашуви номаълум бўлганлиги сабабли, австралиялик адвокат менга вакил сифатида тўғридан-тўғри қолдириб «топшириш» қилишим мумкинлигини айтди. Эсимда, баҳор байрамидан кейинги биринчи иш кунида мен ва ҳимоямдаги томон Занжианг шаҳрига қайиқда бориб, қарама-қарши компаниянинг қонуний вакилининг уй манзилига Австралия судининг даъвога жавоб бериш тўғрисидаги хабарномасини етказдик. Мен уни тўғридан-тўғри унинг эшигига ёпиштирдим, унинг синглисини таклиф қилиб суратга тушдик ва шу тарзда топшириш фактини мустаҳкамладик, сўнг австралиялик адвокатга юбордик ва у маҳаллий суд томонидан қонуний ва ҳақиқий деб топилди. Кейин процесс муваффақиятли давом этди (ўшанда мен «Денгиз-у океан кесиб сизни судга бераман» деб бир пост ёзганимни эслайман).

Хитойнинг амалдаги қонунчилигига кўра, адвокат қонуний топшириш субъекти эмас, суд ва арбитраж ҳужжатлари суд ёки арбитраж институти томонидан топширилиши керак, адвокатнинг ўзи топшириши процессуал кучга эга эмас. Ушбу тизим процессуал жиддийликни сақлаш учун фойдали, аммо трансчегаравий шароитда у маълум даражада мослашувчанлик ва самарадорликни пасайтиради.

Адвокатларнинг асосий қиймати айнан шундадир: биринчидан, турли юрисдикцияларнинг процессуал қоидаларини билиш ва қонуний доирада энг самарали ва ишончли процессуал йўлни танлай олиш; иккинчи-



дан, ички ва хорижий процессларни боғлаш ва қоидалар тўқнашувидан келиб чиқадиган тўсиқларни камайтириш; учинчидан, ижро этишда объектив тўсиқларга дуч келганда, боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш, бир пакетда келишув каби кўп қиррали усуллардан фойдаланиб, охир-оқибат ҳимоядаги томоннинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини амалда таъминлаш.

